

Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши
мажлисининг 20.09 2024 йилдаги 80-сонли
баёнига 4-илова

**“Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули
асосида молиялаштириш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тиббиёт муассасалари, нодавлат тиббиёт ташкилотларини (кейинги ўринларда – тиббиёт ташкилотлари) Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) орқали молиялаштиришда “глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усуллари бюджетини аниқлаш ва маблағларни йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом Жамғарма билан тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома тузган тиббиёт ташкилотларига нисбатан қўлланилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“глобал бюджет” бўйича тўлов – муайян даврда тиббиёт ташкилоти томонидан аҳолига келишилган ҳажмларда тиббий хизматларни қўрсатиш харажатларни қоплаш учун белгилangan молиялаштириш ҳажми;

ҳар бир даволанган ҳолат – bemorga тиббиёт ташкилоти томонидан стационар шароитда тасдиқланган даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ қўрсатиладиган тиббий хизматлар ва қўлланиладиган дори воситалари мажмуаси;

тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) – кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни аҳолига қўрсатилишини ҳамда бу учун тўловларни амалга ошириш тўғрисида Жамғарма ва тиббиёт ташкилоти ўртасида тузиладиган битим;

молиялаштиришнинг базавий ставкаси (кейинги ўринларда – базавий ставка) – тегишли молия йилида ҳар бир даволанган ҳолат учун давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) доирасида тиббий ёрдам қўрсатиш учун зарур бўлган маблағлар миқдори;

тузатиш коэффициентлари – шифохоналар кесимида касалликларни даволаш учун зарур маблағлар миқдоридаги фарқни ҳисобга олиш имконини берувчи коэффициентлар;

клиник харажат гурухи (кейинги ўринларда – КХГ) – даволаш харажатлари жиҳатидан бир бирига яқин касалликларнинг клиник жиҳатдан ўхшаш гурухи. КХГ нинг асосий иқтисодий параметри харажатлар интенсивлиги коэффициенти бўлиб, у ушбу касалликлар гурухи харажатларининг барча гурухлар учун ўртача харажатларга нисбатини акс эттиради;

КХГНИНГ ОГИШИШ КОЭФФИЦИЕНТИ – КХГга киритилган касалликларни даволаш учун диагностика ва тиббий ёрдам кўрсатиш сарф-харажатлари қийматининг ўртача кўрсаткичга нисбатан улуси;

даволанган беморлар сони – тиббиёт ташкилотлари томонидан бир ой мобайнида даволанган bemorlar ҳамда тиббий ахборот тизимиға уларга тегишли бўлган шифохонадан чиқарилганларнинг статистик картаси (066-х/ш) тўғрисида киритилган маълумотлар асосида аниқланган сони;

ахборот дастури – Жамғарма томонидан бошқариладиган бошқариладиган ҳамда тиббий ахборот тизимиға киритилган маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва ҳар бир даволанган ҳолат бўйича тўлов хисоб-китобини амалга оширувчи дастурий мажмуа;

бизнес режа – тиббиёт ташкилоти томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳамда ушбу ташкилотнинг фаолияти (кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари, даволанадиган касалликлар, bemorlar soni va boşqalap), жами даромад ва харажатлари (бюджет классификациясининг харажатлар моддалари бўйича) акс эттириладиган хужжат.

Ҳар молия йили бошида, клиник харажат гурухлари ва уларнинг оғишиш коэффициентлари ҳамда тузатиш коэффициентлари Жамғарма Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

2-боб. “Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усусларида молиялаштириш ҳажмини аниқлаш

4. “Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усусларида молиялаштириш ҳажмини аниқлаш учун қуидагилардан фойдаланилади:

- базавий ставка;
- ҳолатлар гурухлари ва уларнинг оғишиш коэффициентлари рўйхати;
- даволанган bemorlar тўғрисида маълумот (касаллик ташхиси, жарроҳлик амалиёти ва бошқалар);
- тузатиш коэффициентлари;
- “глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усусларида молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотлари рўйхати.

5. Тиббиёт ташкилоти бир ой давомида тиббий ахборот тизимиға киритилган даволанган bemorlar тўғрисидаги маълумотлар асосида, кейинги ойнинг дастлабки 5 (беш) иш кунида жамланма ҳисботини шакллантириб тасдиқланган ҳолда Жамғармага етказилишини таъминлайди.

Бунда, тиббий ахборот тизимиға маълумотлар белгилangan муддатларда ва тўғри киритилишига ҳамда ҳаққонийлигига тиббиёт ташкилотининг раҳбари масъул ва жавобгардир.

6. Жамғарма “ҳар бир даволанган ҳолат бўйича” тиббий ахборот тизимиға киритилган даволанган bemorlar тўғрисидаги маълумотлар асосида иловага мувофиқ тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширади.

7. Жамгарма ҳар ойнинг 20 санасига қадар “ҳар бир даволангандан ҳолат учун” аниқланган тўлов ҳажмига асосан тўловларни амалга оширади.

8. Тиббиёт ташкилотини “**глобал бюджет**” тўлов усулида молиялаштириш ҳажмини аниқлашда мазкур ташкилот томонидан Жамгарма билан тузилган шартномага мувофиқ хизматларни кўрсатиш учун талаб этиладиган маблағлар ҳисоб-китоб қилинади.

9. “**Ҳар бир даволангандан ҳолат учун**” тўлов усули бўйича молиялаштириш ҳажми ахборот дастурида қўйидагича аниқланади:

касаллик гурухлари бўйича бир ой мобайнида даволангандан беморлар сони ва барча коэффициентларни инобатга олиб аниқланадиган Даволангандан беморларнинг нормавий коэффициенти қўйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:

$$H_{коэф.} = (K_o * C_b * K_t)$$

Бунда:

$H_{коэф}$ – даволангандан беморларнинг нормавий коэффициенти;

K_o – ҳолатлар гуруҳининг оғишиши коэффициенти;

C_b – касаллик гурухлари бўйича даволангандан беморлар сони;

K_t – тузатиши коэффициенти.

Даволангандан беморларнинг нормавий коэффициентини базавий ставкага кўпайтириш орқали ушбу гурухда даволангандан беморлар учун тўлов суммаси топилади:

$$C_b = H_{коэф} * BC$$

Бунда:

C_b – бир касаллик гуруҳида даволангандан беморлар учун тўлов суммаси;

BC – молиялаштиришининг базавий миқдори;

Шифохона томонидан бир ой мобайнида ҳар бир даволангандан ҳолат учун молиялаштириш ҳажми қўйидаги тартибда аниқланади:

$$M_x = C_{6.1} + C_{6.2} + \dots + C_{6.n}$$

Бунда:

M_x – шифохонанинг “ҳар бир даволангандан ҳолат учун” бир ойлик молиялаштириши ҳажми.

n – шифохонада мавжуд ҳолатлар гурухлари сони.

10. “Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволангандан ҳолат учун” тўлов усуллари асосида молиялаштириш ҳажмини аниқлашда капитал қўйилмалар, янги очилаётган муассасанинг ташкил этиш ва сақлаш харажатлари, капитал таъмирлаш, куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш, сайёр тиббий кўриклар, ҳомиладорлик нафақаси, шунингдек, кўзда тутилмаган бошқа харажатларни қоплаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинмайди.

11. “Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усуллари асосида молиялаштириш ҳажмини аниклашда ҳисобга олинмаган харажатлар тегишлилиги бўйича Соғлиқни саклаш вазирлиги ва тегишли (республика, маҳаллий) бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобидан қопланади.

3-боб. “Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усуллари бўйича молиялаштиришни амалга ошириш

12. “Глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усуллари бўйича молиялаштиришни амалга оширишда тиббиёт ташкилотига тегишли шахсий ғазна ҳисобвараги (банк ҳисоб рақами)га Жамғарма томонидан маблағлар харажатлар таснифининг бир сатрида маблағлар ўтказиб берилади.

13. “Глобал бюджет” ҳамда “глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули бўйича молиялаштириш ҳар ойнинг дастлабки 5 иш куни мобайнида 85 фоизгача бўлган қисми тиббиёт ташкилотига олдиндан тўлаб берилади. Қолган қисми тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий ахборот тизимиға киритилган маълумотлар асосида кейинги ойнинг 20 санасигача амалга оширилади.

Бунда, “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули бўйича молиялаштириладиган қисми тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий ахборот тизимиға даволанган bemорлар тўғрисида киритилган маълумотлар асосида ахборот дастурида қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда кейинги ойнинг 20 санасига қадар тўлаб берилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб “Ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун чегириб қолинган (15 фоиз) маблағни қайта ҳисоб-китоб қилиш натижасида ҳосил бўлган микдор тиббиёт ташкилотига шу ойда режалаштирилган жами маблағнинг 10 фоизидан кам ва 20 фоизидан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

14. Жамғарма ҳамда “глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули бўйича молиялаштириладиган тиббиёт ташкилоти ўртасида тузилган шартноманинг умумий қиймати ҳақиқатда кўрсатилган тиббий хизмат ҳажми (даволанган bemорларнинг сони ва таркиби)га асосида қайта ҳисоб-китоб қилинганда ўзгариб боради.

15. Даволанган bemорлар сонининг кўпайиши натижасида қўшимча маблағларга ҳосил бўлган эҳтиёж Жамғарма бюджетидаги захира ҳисобидан қопланади.

16. Тиббиёт ташкилотининг жорий ойдаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда тиббий ахборот тизимиға киритилмаган тақдирда Жамғармага ушбу тиббиёт ташкилотига тўловларни тўхтатиш ҳукуқи берилади.

17. Молия йили яқунида тиббиёт ташкилотининг шахсий ғазна ҳисобвараги (банк ҳисоб рақами)даги қолдик маблағлар ушбу тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома шартлари тўлиқ ҳажмда бажарилган тақдирда Жамғармага қайтарилимайди ҳамда келгуси молия йили учун тузиладиган даромадлар ва харажатлар бўйича бизнес-режада йил бошига қолган қолдик сифатида акс эттирилади.

18. Мазкур қолдик маблағлар биринчи навбатда мавжуд кредитор қарздорликларни қоплашга, сўнг тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, дори таъминотини яхшилаш, ташкилотни тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

19. Тиббий хизматлар хариди шартномаси шартлари тиббиёт ташкилоти томонидан тўлиқ ҳажмда бажарилмаган тақдирда шартноманинг бажарилмаган шартларига мутаносиб равишда Жамғарма томонидан шартнома бўйича тўлов миқдори камайтирилади ёки тўланган маблағлар Жамғармага қайтарилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Тиббиёт ташкилотига Жамғарма томонидан тўланган маблағларни мақсадли сарф қилиниши ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш учун тиббиёт ташкилоти раҳбари жавобгар ҳисобланади.

21. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

“Глобал бюджет” ва “хар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули асосида молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга

ИЛОВА

**Даволанган ҳолатларни кассаллик гурӯҳларига таснифлаш ва
молиялаштириш ҳажмини аниқлаш бўйича**

МАЪЛУМОТ

Стационар номи: _____

Ҳисобот даври _____

Базавий ставка: _____

Тузилган сана _____

Касаллик гурӯҳлари Коди	Касаллик гурӯҳ номи	Оғишиш коэффициенти	Даволанган ҳолатлар сони	Оғишиш коэффициенти кўлланилган даволанган ҳолатлар сони	Тўлов миқдори
ЖАМИ					

Масъул шахслар: _____ (имзолар) Сана: _____